Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ- СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 141 (21. 240) 1992 йил 18 июль, шанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

АГАР ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА МЕҲНАТ ҚИЛСАК, МАВЖУД БОЙЛИҚЛАРИМИЗДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНСАК, ШУБҲА ЙУҚКИ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕЗ ОРАДА ТАНГЛИКДАН ЧИҚИБ ОЛАДИ.

(И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясидаги нутқидан).

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

«САМСУНГ» ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

16 июль куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Жанубий Кореядаги машҳур «Самсунг» фирмаси раҳбариятининг корпорация вице-президенти Ж. Ким бошчилигидаги вакиллари билан учрашди. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Чунончи, кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонда радио ва телеаппаратлар, болалар таомлари ҳамда бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этишга тайёрлар. Учрашувда таъкидланганидек, «Самсунг»нинг Ўзбекистонга бу қадар катта қизиқиш билан қараётганининг боиси, аввало, Ислом Каримов Корея Республикасига ташриф буюрган вақтида корпорацияга борганлигидир. Ўша вақтдаёқ ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинган эди.

Суҳбатда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков иштирок этди.

(ЎзА).

Суратда: учрашув пайти.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎзА) олган сурат.

КОРЕЯЛИК МУТАХАССИСЛАР АСАКАДА

Асака трактор прицеплари заводи базасида Корея Республикасининг «Дэу» корпорацияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар ва микроавтобуслар ишлаб чиқарадиган завод қурилиши ҳақидаги келишувга мувофиқ Ўзбекистонлик мутахассислар Кореяда бўлишди. Куни кеча «Дэу» корпорациясининг вице-президенти Ли Кван Ки бошлиқ кореялик мутахассислар эса Асакага келишди.

Меҳмонлар корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва шароитлари билан танишдилар, бўлажак завод ҳақида, ишчи кучи, уларни жойлаштириш, темир йўл, ҳаво йўллари хизматидан фойдаланиш масалалари, инженерлик-коммуникация, ёрдамчи хизматлар тўғрисида фикрлашиб олдилар.

К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.

Андижон вилояти.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

17 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда «1992 йилнинг биринчи ярми учун мўлжалланган бюджетнинг ижроси ҳамда республиканинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга ўз вақтида тушиши, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йилда капитал қурилишнинг истиқболи тўғрисида» шу йил 12 мартда қабул қилинган қарори қандай бажарилаётгани ҳамда «1992 йилда муҳим объектларни фойдаланишга топширишни таъминлаш чоралари ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этди.

(ЎзА).

(Мажлис ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИДА

Маълумки, Олий Кенгаш Раёсатининг 1992 йил 17 июндаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг бир йиллигини тантана қилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси тузилган эди. Ана шу хабар эълон қилингач, кўплаб меҳнат жамоаларидан, шу жумладан, қўшма корхоналардан, шунингдек, республиканинг айрим фуқароларидан Мустақиллик кунини нишонлаш учун махсус жамғарма тузиш мақсадга мувофиқлиги хусусида таклифлар туша бошлади. Шу тариқа республикамизнинг меҳнат жамоалари ҳамда айрим шахслар жонажон Ўзбекистонимиз мустақил давлат деб эълон қилинган кунни тантана қилиш ишига шахсий ҳиссаларини қўшиш истагини билдирмоқдалар.

Шу йил 16 июль куни республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида байрам тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишга доир турли масалалар билан бирга шу масала ҳам муҳокама қилинди. Комиссия Мустақиллик кунини ўтказиш жамғармасига корхоналар ва фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда ўтказилган маблағларни жамлаб, уларни аниқ мақсадга ишлатиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат банки ҳузурида «рубль» ва валютадаги махсус счётларни очиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат банкининг ахборотига кўра, республика комиссиясининг мазкур қарорига биноан шу йилнинг 18 июлидан бошлаб Давлат банки Тошкент шаҳри бошқармасининг ҳисоб-китоб марказида 000700702 рақамли (рубль) счёт ва ташқи иқтисодий фаолият миллий (Тошкент шаҳри) банкида 70000061 (валюта) рақамли счёт очилди.

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Жамғарма банки

● *30 июль куни мустақил Ўзбекистон Республикаси ички заёмининг биринчи ютуқлар ўйини Самарқанд шаҳрида ўтказилади*

Мустақил Ўзбекистон 30 июлда Самарқанд шаҳрида республиканинг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқлар заёмининг биринчи тиражини ўтказади.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

250000 сўмлик бош ютуқ сизга насиб этиши мумкин. Заём облигациялари Жамғарма банки, Агросаноат банки, Ўзбекистон саноат қурилиш банки муассасаларида эркин сотилмоқда ва сотиб олинмоқда.

12 фоизли заём облигациясини сотиб олиш билан сиз республика мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

ДАДИЛ БЎЛИНГ, ОМАД КУЛИБ БОҚАДИ

Сизни республика заёмининг биринчи тиражига бағишлаб Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган байрам тантаналарида иштирок этишга таклиф қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Р. РАҲМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати, Ўзбекистон журналистикасини ривожлантиришдаги хизматлари ва ижтимоий-сиёсий турмушдаги фаол иштироки учун «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Расул Раҳмонов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри 1992 йил 16 июль.

ЯНГИ БОШ МУҲАРРИР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши сиёсий ижроия қўмитаси «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Расул Раҳмонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан мазкур лавозимга журналист Шароф Ортиқович Убайдуллаевни тавсия этди. Газета меҳнат жамоаси яқдиллик билан Ш. О. Убайдуллаевни «Ўзбекистон овози» газетаси ва «Голос Узбекистана» ҳафтаномасининг бош муҳаррири этиб сайлади.

Ҳамкасбимиз Шароф Ортиқович Убайдуллаевга янги лавозимда муваффақиятлар тилаймиз.

● ВОҚЕАЛАР ИЗИДАН

МИНГБУЛОҚ: ҚУДУҚ РЕМОНТ ҚИЛИНМОҚДА

Мингбулоқда бир неча ой олдин нефть чиққан пайтдаги каби бурғу минораси қад кўтариб турибди. «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Андижон чуқур-қидирув бурғулаш бригадасининг мутахассислари олдинги қудуқ устига янги минора ўрнатишга доир технология операцияларининг мураккаб туркумини бажаришлари учун атиги бир ой кифоя қилди. Айтмоқчи, бу қудуқдан бир неча қувур бошланиб, уларнинг бир қисми нефть қувурига уланган, бу нефть қувури Оқтош посёлкасига боради. Мингбулоқ нефтини қайта ишлаш учун шу жойдан темирйўл орқали жўнатилади.

Тўғри, ҳозир бу иш қачон бошланишини айтиш қийин. «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош раҳбарининг ўринбосари Ҳ. Фаррохов бундай аҳвол сабабларини тушунтириб берди.

— Ҳозир қудуқни тиклаш ишлари авжига чиққан. Илгари хабар қилинганидек, ёнғинни ўчириш чоғида қудуқ бекилиб қолди. Хуллас, ҳозирги пайтда олдимизда турган асосий вазифа нефть булоғи кўзини очишдир.

Мутахассисларнинг таҳминларича, эски бурғу қурилмаси конструкцияларининг қудуқ ичида қолган қисми нефтнинг отилиб чиқишига тўсқинлик қилмоқда. Ҳозирча чиқаётган нефть цистерналарда йиғув жойига жўнатилмоқда. Нефть фаввора каби отилиб турган пайтда ғамлаб қўйилган чуқурлардан олиб кетилмоқда.

Ҳар холда Мингбулоқ конининг тахминий захиралари қанча? Бу саволга Ҳ. Фаррохов бундай жавоб қилди: Бу ердаги нефть миқдорини тахминан аниқлаш учун яна бир неча қудуқ қазиш керак. Бу қудуқларни қаерда қазиш аниқланди, ер текисланмоқда. Волгограддан бурғулаш машиналари келтирилмоқда.

Бу ерда меҳнат қилаётган кишилар тўғрисида алоҳида гапириш керак: монтажчилар вахта усулига ўтишди. Ишлар тўхтовсиз давом эттирилмоқда.

(ЎзА мухбири).

ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

ПАРТИЯ ҲУЖЖАТЛАРИНИ АЛМАШТИРИШГА ДОИР

● ҚАРШИДА Қашқадарё вилояти шаҳар ва район партия кенгашлари котиблари, ишчи аппарати ходимлари иштирокида партиянинг янги ҳужжатларини ХДП аъзоларига топшириш кампаниясини ташкил этиш бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

— Тўғрисини айтганда ҳозиргача қилинган ишлар ҳеч кимни қониқтирмайди, — деди семинар-кенгашда ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби П. С. Бердиев. — Ҳалигача айрим партия ходимларимиз, фаолларимиз партия билетларини топшириш катта сиёсий кампания эканлигини англаб етганлари йўқ. Партия ҳужжатларини ёзиш ва партия билетларини топшириш ташкилий, техникавий ва мафкуравий таъминлаш партия кенгашларининг асосий вазифасидир.

Семинар-кенгашда вилоят партия кенгашининг котиби Р. Ражабов, партия ички ишлари, тарғибот ва ташкилот бўлимининг мудири С. Рустамова, ишлар бошқарувчиси Ж. Шукуров, вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари С. Жўраев ва бошқалар сўзга чиқиб партия ҳужжатларини ёзиш ва топширишга тайёргарлик масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Қамаши, Чироқчи, Яккабоғ, У. Юсупов, Косон район партия кенгашларининг биринчи котиблари Ж. Расулов, Ж. Маманов, Ф. Юсупов, О. Чўлиев, Э. Турсунқулов, Деҳқонобод район партия кенгаши сектор мудири А. Норбоев партия ҳужжатларини ёзиш ва топшириш даврига тайёргарлик юзасидан тажриба алмашдилар, партия ҳужжатларининг асосий мазмуни нимадан иборат, партия билети ва ҳисоб варақаси моделини ишлаб чиқишда нималарга асосланилган деган саволлар юзасидан баҳс-мунозара юритдилар.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари этиб тайинланганлиги муносабати билан И. Рашидов партия кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Самарқанд давлат музейи қўриқхонасининг директори бўлиб ишлаб келган тарих фанлари номзоди Раҳим Каримович Юсупов Самарқанд шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Р. К. Юсупов 1961 йилда туғилган. Самарқанд дорилфунунида, шаҳар ҳамда Темир йўл район партия ташкилотларида ишлаган.

Мен рўзнома номидан Р. Юсуповни янги вазифа билан муборакбод этиб, унинг келгуси ишларида омадлар тиладим.

— «Ўзбекистон овози» партиямизнинг ягона оммавий газетасидир, уни гоят қадрлайман, — деди биринчи котиб. — Бундан кейин ҳам рўзнома билан яқин ҳамкорликда ишлаймиз, деган умиддаман.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби С. А. Нишонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров қатнашдилар.

Ф. ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Навоий вилоятининг Хатирчи районидаги Чкалов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Олий Кенгаш фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитетининг аъзоси Хоҳиқ Ҳалимовнинг 15 июль куни 67 ёшда вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг қариндош-уруғлари ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ДУНЁ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Жаббор РАЗЗОҚОВ,

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

II. МАЛАЙЗИЯНИ СИЗ КЎРМАБСИЗ...

БЕПОЁН само қўйнида оҳиста парвоз қилаётган самолётимиз бегона ерлар, денгиз ва чексиз океан сувларини ортда қолдириб Малайзия сари ошиқарди. Қалбимизда бу мусулмон мамлакатига тезроқ етишишдек бир интиқлик бор эди. Атрофи сув билан ўралган ва майда ороллардан ташкил топган бу мамлакат кейинги вақтда кўпчиликнинг тилига тушиб қолди. Ўзбекистон мустақил бўлгач, Малайзия ҳукуматининг вакиллари биринчилар қаторида юртимизга ташриф буюрди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг самолётлари ҳам энг узоқ мамлакатлардан бирининг пойтахти бўлган Куала Лумпурга уча бошлаганига икки йил бўляпти.

Денгиз ортда қолди. Чексиз ўрмон, минг-минглаб пальма дарахтлари билан ўралган замонавий шаҳарга яқинлашдик.

Куала Лумпур аэропорти делегациямизни илиқ қарши олди. Ҳаво ниҳоятда дим. Президентимизни Малайзия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Энчи Гафар Баба жаноби олийлари, Ташқи ишлар вазири Датук Абдулла Аҳмад Бадавий ва бошқа расмий кишилар тантанали кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Хорун ҳам бор эди.

Аэропорт олдида Президентимиз Ислом Каримовга алоҳида машина, делегация аъзолари учун тим қора «мерседес»лар саф тортиб турарди. Уларнинг олдида эса парвозга шайланаётган оққушлардек учқур япон мотоцикларидан иборат фахрий эскорт.

Куала Лумпур кўчалари. 1,5 миллионга яқин аҳолиси бўлган пойтахт гўзал ва тоза. Замонавий осмонўпар бинолар. Машиналарнинг эса сон-саноғи йўқ. Уларнинг турларини ҳам эслаб қололмайсиз. Мотоцикллар ҳам бисёр. Хуллас, бу ерда ҳамманинг машинаси борга ўхшаб кўринади...

Парламент саройи майдони. Гўзал боғ қўйнида, шаҳарнинг энг баланд, хушманзара ва тарихий манзилгоҳида жойлашган, миллий услубда қурилган бу ҳашаматли саройда мўътабар меҳмонларни кутиб олишга анча тайёргарлик кўрилганга ўхшайди. Чор атроф байрамона безатилган, гулларга бурканган. Икки давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Фахрий қоровуллар саф тортган. Ўртадаги махсус шохона қўшкда Ислом Каримов ва Малайзия қироли султон Азланшоҳ Янг де-Пертуан Агон IX жаноби олийлари. Тантана икки давлат гимнларини ижро этиш билан бошланади. Шу пайт тўплардан йигирма бир марта ўқ узилиб, юксак мартабали меҳмон шарафланади. Ислом Каримов фахрий соқчилар сафини айланиб чиқади ва уларга миннатдорчилик билдиради.

Қирол Ўзбекистон Президентига ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, хорижий давлатларнинг элчиларини таништиради. Шундан сўнг Қирол юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти учун тайёрланган Сери Негара саройидаги қароргоҳига олиб боради ва уни бу тарихий жой билан таништиради.

Шу куни кечқурун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва делегация аъзолари шарафига Истан Негара Қирол саройида катта байрам кечаси бўлди. Тантана бошланишидан олдин Қирол ва қиролича ўзбекистонлик меҳмонлар билан илиқ саломлашиб чиқишди. Ҳашаматли сарой байрамона безатилган, ҳаммаёқда ранго-ранг гуллар. Кечага ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, хорижий давлатларнинг элчилари, таниқли ишбилармонлар, катта корхоналарнинг эгалари — кўпчилиги бир хил миллий кийимда келишган. Зиёфат давомида кўплаб янги дўстлар орттирдик. Биз шу ерда Малайзиянинг жумҳуриятимиздаги элчиси Муҳаммад Хорун билан яқиндан танишдик. У мамлакатнинг Россиядаги элчиси ҳам экан. Юртимизда бўлган. Тошкент, Самарқанд ва Бухоро жуда алоҳида ёқиб қолганлигини таъкидлади. Ўзбекистонга янги мусулмон давлатига ҳурмати чексиз эканлиги гап-сўзидан шундоқ сезилиб турарди.

Тантанали кечанинг иккинчи қисми сарой олдидаги майдонда ўтди. Минг-минглаб электр чироқлари билан безатилган ва гулларга бурканган бу жой ҳаммамизнинг қалбимизни бир олам шодликка тўлдириб юборди. Бу ерда энг талантли санъат намоёндалари томонидан ижро этилган миллий куй-қўшиқлар ҳинд санъатига анча яқин экан. Кийимлари ҳам ҳинд қизларининкидай.

Бу воқеаларни алоҳида тасвирлаб беришдан мақсад, мустақил Ўзбекистонимиз ва унинг Президенти обрў-эътибори хорижда ҳам тан олинаётганлигини халқимизга рўй-рост айтиб бериш. Чунки Малайзия иқтисодимизни катта қизиқиш билан кузатибгина қолмай, балки амалий ёрдам беришга шай турган давлатлардан бири. У бундан ўн-ўн беш йил муқаддам қолоқ бир давлат эди. Чет эл капиталига нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини юргизиб, тараққиёт йўлига кириб олди.

МАЛАЙЗИЯ иқтисоди кейинги вақтда жуда тез ривожланмоқда. Аҳоли ҳамжамияти бежиз уни «янги аждаҳо» деб атамайди. Малайзия миллий иқтисодиётига сармоя сарф қилиш ҳажми кейинги беш йилда 7,7 марта кўпайди. Айниқса кейинги уч йилдаги ўсиш даражаси ниҳоятда юқори. Ҳар йили бурунги йилга нисбатан икки баравар ортиқ капитал маблағ машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, пластмасса ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришга сарф қилинаётир.

Малайзия хориж сармоясини жалб қилишда ва ундан самарали фойдаланишда ҳам катта тажрибага эга. Кейинги беш йил давомида унинг иқтисодидаги хориж капитали салкам 15 карра ошди. 1990 йили унинг ҳажми қарийб 30 миллиард Америка долларига етди. Айниқса бунда Тайвань, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Сингапурнинг улуши каттадир. Булардан ташқари Малайзия иқтисодида Покистон, Ҳиндистон, Австрия, Австралия, Бельгия, Германия, Франция, Гонгконг, Жанубий Корея каби 50 га яқин хорижий давлат инвестициялари жойлаштирилган.

Кейинги вақтларда Малайзияда айниқса каучук, чой, тамаки, ёғочсозлик, матбаачилик, электр ва электроника, химия, тўқимачилик саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг Малайзия билан савдо-сотиқ ва маданий алоқалари янги паллага кирди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, у ердаги бўш инвестициядан фойдаланиш, қўшма корхоналар очиш, тўқимачилик саноати соҳасида ҳамкорликларни юқори поғонага чиқаришга келишиб олинди. Ҳозирнинг ўзида Ўзбекистонда малайзияликлар билан биргаликда қўшма корхоналар очилди. Малайзия ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик қилишни ривожлантириш мақсадида ҳар икки томонда маданий марказлар таъсис қилинди.

Малайзия тараққиётидаги ибратли ишлардан яна бири — атроф-муҳитни ҳимоя қилишга давлат нуқтаи назаридан қарашдир. Бу муҳим масала юзасидан давлат программаси ишлаб чиқилган, қонун қабул қилинган. Бюджетдан катта миқдорда сармоя ажратилган. Шунинг учун ҳам Куала Лумпур шаҳрининг қаерига борманг, ҳамма жой озода, кўкаламзор, кўм-кўк ўтлоқлар, чаман-чаман гуллар очилиб ётибди. Бу ҳам халқнинг юксак маданиятини кўрсатади, саломатлигини яхшилайди. Биз кўрган мусулмон мамлакатлари ичида энг озодаси ва атроф-муҳитни эъзозлаш бўйича дунёвий аҳамиятга молик ибратли иш олиб бораётган мамлакат бу — Малайзиядир...

Ташрифнинг иккинчи куни Малайзия халқининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борилган курашларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган миллий ёдгорликка гулчамбар қўйиш билан бошланди. Чунки, Малайзия иккинчи жаҳон уруши тугагунча қарийб 400 йил хорижий босқинчилар қўлида бўлган. 1511 йили илк бор Португалия босиб олган. Кейинчалик Голландия истило этган. Улардан сўнг мустамлакачилик сиёсати инглизлар қўлига ўтган. Иккинчи жаҳон уруши даврида япон босқинчилари ишғол қилишган. Урушда Япония мағлуб бўлгач, мустақиллик йўлида дадил қадамлар қўймоқчи бўлди. Лекин инглиз босқинчилари жиловни яна қўлга олдилар. Уларнинг ҳукмронлиги 1957 йилгача давом этди. Шу йили 31 августда Малайя Федерацияси мустақиллик эълон қилди. Лекин шундай бўлса ҳам инглизларнинг мамлакат иқтисодидаги сиёсати сақланиб қолди. Бу сиёсат ҳозирги кунгача давом этмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти иқтисодий соҳада чет эл мамлакатларига қарам бўлмаслик сиёсатини юргизмоқда. Ҳа, бировга қарам бўлмаслик керак. Қарамликнинг азобини эса тотиб кўрганмиз. Томчидан қочиб, ёмғирга учрамаслик лозим. Бу жуда катта сиёсат. Мустақилликни, халқини ўйлаган одам шундай йўл тутади.

Ислом Каримов ва Бош вазир Махатхир Муҳаммаднинг яккама-якка суҳбатларида, делегация аъзоларининг музокаралари иқтисод ва техника, маданий ва илмий соҳаларда икки томонлама ўзаро ҳамкорлик масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Бу қабул қилинган ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топди.

«Сапура» телекоммуникация фирмаси — Малайзиядаги йирик замонавий корхоналардан биридир. Фирма Президенти Шамсутдин Абдулқодир Ўзбекистон Президентини корхона маҳсулотлари, ишлаб чиқариш билан яқиндан таништирди. Бу ерда тайёрланаётган турли хил замонавий алоқа воситаларига талаб катта. Уларнинг кўргазмасини томоша қилдик. Ҳақиқатан ҳам бу мўъжазгина кўргазмада яқин-яқингача кўпчилик тан олмаётган ва иқтисодий тараққиётини сезмаётган кичик бир давлат Малайзиянинг бугунги қиёфаси ўз аксини топганди. Бизни ҳайратга солган мўъжазгина телефонлар, эсда сақлаб қолиш аппаратлари, биргина дипломатга жойлашган кичик автомат телефон станцияси... Булар ҳар бири биз учун янгилик. Шундай корхонанинг филиалини ташкил қилиш — биздаги алмисоқдан қолган алоқа воситаларини бир мунча оёққа турғазган бўларди.

Бу ажойиб аппаратларни хориждан келган мутахассислар тайёрламаётирлар. Аксинча, ҳаммасини шу ерлик ажойиб, моҳир қўлли мусулмон қизлари ишлаб чиқаришмоқда. Бу борада ўзбек қизлари ҳам анча маҳорат кўрсатишга тайёрдирлар. Уларни шундай ишларга жалб этиш, замонавий корхоналар барпо этиш керак. Биринчи навбатда алоқа воситаларини замонавий талаблар даражасига кўтармасдан туриб, ҳеч қандай тараққиётга эришиб бўлмайди. Бундан бизнинг жумҳурият Алоқа вазирлиги ҳамон тегишли хулоса чиқармаётганлиги, аҳвол кундан-кунга ёмонлашаётганлиги ачинарлидир. Қачонгача чет элликлар олдида хижолат тортиб юрамиз?..

«Қора олтин» — Малайзиянинг хорижий давлатларга экспорт қилаётган энг муҳим маҳсулотларидан бири. Нефть қазиб олиш бўйича яхшигина тажриба тўпланган. Бу бойликларнинг бир қисми қуруқликда бўлса, бир қисми денгиздадир. «Қора олтин» бойликларини излаб топиш ва қазиб олиш билан «Петронас» миллий нефть-кимё компанияси шуғулланади.

Ўзбекистонлик меҳмонлар компанияда бўлишиб, унинг серқирра фаолияти билан батафсил танишдилар. Чунки бизнинг энди оёққа тураётган нефть—газ ишлаб чиқариш компаниямиз учун уларнинг тажрибаси ва ёрдами жуда зарур. Бўлиб ўтган суҳбат давомида компания президенти ва етакчи мутахассислар ўзларининг бу соҳадаги ишларини атрофлича баён этиб бердилар.

КУАЛА Лумпур шаҳрининг чеккасидаги (бу ерда йирик корхоналар асосан шаҳар атрофида жойлашган) БАНГИ эркин савдо минтақасида бўлдик. Бу ерда биз японияликлар бизнесмен бир йил ичида бунёд этган кондиционер ишлаб чиқариш корхонаси билан танишдик. Корхона директори Фукояма меҳмонларни ишлаб чиқариш жараёни, тайёрланаётган маҳсулотларнинг турлари билан таништирди. Бу ерда асосан маҳаллий миллат вакиллари ишлашаркан. Вьетнамлик ёлланма ишчилар ҳам бор. Эркин савдо минтақасида кўпгина таниқли хорижий компанияларнинг корхоналари мавжуд экан. Биргина биз ташриф буюрган корхона ўзи тайёрлаётган маҳсулотнинг қарийб 90 фоизини хорижга экспорт қиларкан. Қолган 10 фоизи Малайзияда сотиларкан. Улар учун давлат жуда катта имкониятлар яратиб берган. Ишларига аралашмайди, буйруқбозлик қилмайди, эркин савдо қилишига тўсқинлик қилмайди. Аҳоли иш билан таъминланган. Шу корхоналар ҳисобига бойишмоқда, касб ўрганишиб, малакаларини оширишмоқда.

Хорижлик ишбилармонлар, сармоядорлар агар бир сўм сарфлаб икки-уч сўм фойда олмаса бирор-бир ишга қўл урмайди. Бизда эса қўпинча маҳаллий ҳокимиятлар уларга кенг йўл очиб бериш, ёрдамлашиш ва фойдаланиш ўрнига, ўзлари бойиб олиш йўлларини ўйлайдилар. Бизда ҳам аҳоли зич жойлашган ишчи кучи кўп жойларда хорижлик сармоядорлар учун эркин савдо минтақаларини ташкил қилишни ўйлаб кўриш керак. Уларга даставвал керакли шароитни муҳайё этиш ва кўрилган фойданинг мазасини тотиб кўриш имкониятини яратиб бериш лозим. Ана шундагина хорижлик катта корхона эгаларининг ишончини қозонамиз ва уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунлардагидай қўл силтаб кетиб қолмайдилар. Кўпгина пайтларда ҳамон бюрократик система ишимизга тўсқинлик қилиб турибди...

Малайзиядаги ташрифнинг учинчи кунида биз кўпдан бери кутган, аммо уч мамлакатга қилган ташрифимизнинг энг мазмунли ва эсда қоларли учрашуви бўлди. У Малайзия вазирлар маҳкамасининг иқтисодий режалаштириш бошқармасида бўлиб ўтди. Бу учрашувга саноат тараққиёти агентлиги ходимлари ҳам келишди. Бўлиб ўтган суҳбат шундай қизғин тус олдики, ҳатто у мўлжалдагидан бир соат кўп вақтни олганини ҳам билмай қолдик. Бу ерда Президентимиз Ислом Каримов тажрибали иқтисодчи эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Икки томон учун ҳам фойдали савол-жавоблар бўлди.

Бу ерда қизғин суҳбат давомида Малайзиянинг дунё миқёсида тутган ўрни атрофлича таҳлил этилди. Ҳозирги кунда мамлакат янги босқичга қадам қўйганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусий мулкчилик кенг ривожланаётганлиги — эришилаётган муваффақиятлар гарови эканлиги айтиб ўтилди.

Ютуқлар кўп. Улардан айримлари бу ерда тилга олинди. Ҳозирги кунда каучук ишлаб чиқариш бўйича мамлакат дунёдаги олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Самолёт ва тракторлар учун шиналарнинг учдан икки қисмини Малайзия корхоналари тайёрлаб беради. Пальма ёғи ишлаб чиқариш бўйича анча йиллардан бери биринчи ўринни эгаллаб турибди. Нефть ва газ экспортнинг асосини ташкил қилади. Ана шулар ҳисобига кейинги ўн йил ичида саноат тараққиёти 12—13 фоизга ўсди.

Саноатдаги юксак кўрсаткичлар ва қишлоқ хўжалигида етиштириладиган бошқа турли хил маҳсулотлар ҳисобига Малайзия ҳар йили Америка доллари билан 3 миллиард соф фойда олянти. Буни шарҳлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

Янги иқтисодий сиёсат даврини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси 1967—1970, иккинчиси эса 1971—1990 йилларни ташкил этади. Ана шу йиллар ичида ишсизлик тубдан камайди. Қашшоқлар сони тубдан пасайди. Аёлларнинг ўрта ёши 1970 йилда 65,6 йил бўлса, 1990 йилга келиб у 73,9 ни ташкил этди. Болалар ўлими эса шу даврда 39 фоиздан 12 фоизга тушди. Малайзия халқининг турмушидаги ўсиш даражаси дунёдаги бошқа мамлакатлар халқларинкидан анча юқори. Ҳозирги кунда ҳукумат 2020 йилгача Малайзияни дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари қаторидан жой олиши учун махсус программани ишлаб чиқмоқда.

Малайзия иқтисодий тараққиётида 1982—84 йиллар аҳоли ўрин тутади. Бу йиллар мамлакат юксалишида тубдан бурилиш нуқтаси бўлди. Миллий даромад икки карра ошди. 1982 йили 16 миллиард 873 доллар бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1984 йил охирига бориб 30 миллиард 437 долларни ташкил этди.

— Бундай юксак тараққиёт учун қайси мамлакат моделини танлаб олдингиз, — деган савол берилди.

Бу саволга бир неча раҳбар жавоб беришди. Биз кўпгина илғор мамлакатлар тажрибасига суяниб, 30 йил ичида ўзимизнинг моделимизни яратдик, — дейишди. — Бунинг учун энг аввало илғор замонавий технологияни жорий этдик. Йўл шаҳобчаларини ва коммуникацияни батамом қайтадан қурдик. Илгари фақат қалампир ва ёғоч экспорт қиладиган митти давлат тараққий этган йирик монополистик давлатга айланди.

ХУШ, мамлакат эркин тараққий этиши учун қандай омиллар муҳайё бўлиши керак? Малайзия тажрибаси бўйича улар қуйидагича:

— Энг аввало мамлакатда сиёсий аҳвол мўътадил яхши бўлиши;

— Иқтисодий жиҳатдан қувватли бўлиши;

— Хорижий мамлакатлар билан ўзаро дўстона муносабатлар йўлга қўйилиши;

— Ҳукумат қуйидаги масалаларга жиддий эътибор бериши;

а) хусусий мулкчилик;

б) ишчи кучи билан таъминлаш;

в) валюта алмаштириш масалаларини равон йўлга қўйиш;

— газлаштириш ва электр қуввати билан тўла таъминлаш;

— Маҳаллий ишчи кучининг етарлилик даражасини эътиборга олиш;

(масалан: четдан таклиф этилса сарф-ҳаражат кўпаяди).

— Меҳнат унумдорлиги бир текис ошиб бориши; (Иш ташлашларни батамом йўқ қилиш чорасини кўриш);

— Молиявий аҳволни яхшилаш; (Бунинг учун банк системасига ва молиявий ишларга энг замонавий техникани ва усулларни қўллаш, хорижий банкларнинг очилиши учун кенг имкониятлар яратиб бериш).

— Ижрочиларни қатъий назорат қилиш; (Улар бюрократлар эмасми, инвестиция қилаётган одамга дўстми ёки душман, умуман муносабатларни эътиборга олиш).

— Маҳаллий бизнеснинг ривожланишига жиддий эътибор бериш; (Маҳаллий аҳоли ўз пулини бемалол ишлатиши, қўшма корхоналар қуриши, бошқа саноат корхоналарига ёрдам бериши назарда тутилади).

— Турмуш тарзини яхшилашга жиддий эътиборни қаратиш; (Халқаро мактаблар очиш, замонавий соғлиқни сақлаш муассасаларини бунёд этиш, энг мукаммал уйлар қуриш).

Бу ҳислатлар Малайзия моделининг асосини ташкил этади. Улар тараққий этган хорижий мамлакатларнинг илғор иш услубини, тараққиётдаги бой тажрибасини ўрганиб, ўзларига хос йўлни яратдилар. Бу йўл Малайзияни йилдан-йилга юксакликка олиб чиқмоқда...

Пальма ёғини ишлаб чиқариш ва саноат асосида тозалаш бўйича ПОРИМ компанияси ҳам Малайзиядаги етакчи корхоналардан бири. У ўз қарамоғига 17 та заводни бирлаштиради. Ўзбекистон делегацияси ана шу компаниянинг асосий корхонасида бўлишганида илғор технологиянинг иш жараёни билан яқиндан батафсил танишдилар. Корхона пальма ёғи ишлаб чиқариш билан бирга, ёғдан бошқа жуда кўп маҳсулотлар тайёрлар экан. Атир совунлар, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, муз қаймоқлар... Ҳатто пальма ёғидан тайёрланган ёқилғи билан автомашина юрар экан. Буни ҳам ўз кўзимиз билан кўрдик. Дўстлик боғида Ислом Каримов биродарлик ва бўлғуси ҳамкорлигимиз рамзи сифатида пальма дарахтининг ниҳолини ўтқазди.

Делегациямизнинг Малайзияда бўлган ҳар бир куни матбуотда кенг ёритилди, «зангори экран» орқали тез-тез кўрсатиб турилди. Ислом Каримовнинг рангли суратлари газеталарнинг биринчи саҳифаларида чоп этилди. Шу ўринда матбуот ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилмаса бўлмайди. Бу ерда матбаачилик энг замонавий даражага кўтарилган. Газеталари рангли суратлар билан чоп этилади. Улар 40—50 саҳифадан иборат. Малайя, инглиз, хитой, тамил, панжоб тилларида 45 та газета нашр қилинади. Улар ичида «Утусан Мелайю», «Берита хариан», «Стрейтс таймс», «Малай мейл», «Наньян шаньбао», «Синьчжоу жибао», «Тамил несан» нашрлари энг оммабоп саналади. Матбуот нашр қилишда ҳам биз ўрганадиган, ибрат оладиган томонлари кўп. Мухбирлари энг замонавий диктафонлар, сураткашлари эса машҳур япон фирмаси ишлаб чиқарган «Никон» маркали фотоаппаратларнинг энг сўнгги модели билан таъминланган.

...Малайзиядаги сафар ниҳоясига етди. Биз мусулмон мамлакатлари ичида энг тараққий этаётган ва ўз йўлини ўзи белгилаётган дўст мамлакат билан яқиндан танишдик. Бу ердаги дўконларда сотилаётган буюк юртдошимиз Имом ал-Бухорийнинг икки жилдлик китобини кўзимизга суртдик. Шунда биз қалбимиз, дилимиз, ниятимиз бир эканлигини алоҳида ғурур билан ҳис қилдик. Малайзия шундай бир мамлакатки, уни тасаввур қилиш қийин. Ўз кўзингиз билан кўриш, ҳис қилиш керак.

Тошкент — Жанубий Корея — Малайзия.

● И. А. Каримов «Сапура» телекоммуникация фирмаси президенти билан мулоқотда.

● Ўзбекистон ва Малайзия ташқи ишлар вазирлари Убайдулла Абдураззоқов ва Дадук Абдулло Аҳмад Бадавий Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик битимларини имзоламоқдалар.

Ж. РАЗЗОҚОВ олган суратлар.

5. 6. 7. 8.

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

ЧЕГАРА ҲАМ ЎРНАТИЛДИ

● **Россия билан Эстония ўртасидаги чегарани кесиб ўтувчи асосий катта йўлларда биринчи марта назорат постлари ўрнатилди.**

Уларни Шимоли-Ғарбий чегара округи ташкил қилди. Чегарачиларга сарҳадлар ҳақидаги масала узил-кесил ҳал қилингунга қадар «танлаб текшириш» ҳуқуқи берилди.

ДУШАНБЕДАГИ ЯНГИ ДЎКОН

● **Тожикистон пойтахтида Эрон китоблари дўкони очилди.**

Бу ерда форс, араб ва инглиз тилларидаги хилма-хил китоблардан иборат 2 минг нусхадан зиёд нашрлар бор. Харидорлар, айниқса, Оятилло Ҳумайнийнинг меросига оид рисолаларни севиб сотиб олмоқдалар. Ҳозир Душанбедаги кўпгина дўконларнинг деворларида Ҳумайний суратларини кўриш мумкин. Айни пайтда харидорларга Шарқнинг етук исломшунос олимлари китобларини ҳам ўқиш тавсия қилинади.

ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР УЧУН

● **Ҳиндистон миллий конгресс (И) ҳукмрон партиясининг номзоди Дайял Шарма Ҳиндистон Президенти этиб сайланди.**

— Мен республикамнинг тинчлик, уйғунлиқ, равнақ ва ижтимоий адолат мамлакати бўлишини, бутун инсоният учун энг яхши келажак барпо этишга муносиб ҳисса қўшадиган давлат бўлишини астойдил хоҳлайман, — деди у. Янги Президент ўз баёнотида 850 миллионли аҳолини ишонтириб, Ҳиндистоннинг энг яхши фарзандлари ўз олдига қўйган олижаноб мақсадлар ва эзгу ниятларни амалга ошириш учун куч-қувватимни аямайман, деб таъкидлади.

ҒАЛАТИ ФИКР

● **Қўшма Штатларда ядро қуроли синовларини тўхтатишга рози бўлиш учун «етарли асослар» йўқ.**

АҚШ Давлат департаментининг юқори мартабали вакили шуларни маълум этиб, ўз номини тилга олмасликни мухбирлардан илтимос қилди.

Мазкур вакилнинг сўзларига қараганда, ядро синовларини тақиқлаш «қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш соҳасида янги салмоқли битимларга эришишга ёрдам бермайди». Унинг фикрича у ядро қуроли тарқалишига йўл қўймаслик соҳасидаги саъйи-ҳаракатларга ҳам кўмаклашмайди.

СОВРИННИНГ ЯНГИ ТУРИ

● **Бошқирдистон Республикаси раҳбарлари бўлажак ҳосил йиғим-терими илғорларини мукофотлаш учун отлар ажратишга қарор берди.**

Бундай ғалати совриннинг таъсис этилишига ҳозир автомобиллар ва мотоцикллларнинг жуда ҳам қимматлашиб кетганлиги сабаб бўлди.

Маълумки, кўпгина вилоятларда отларнинг бозори чаққон. Масалан, Курск вилояти бозорларида ишлатиладиган отга 15—20 минг сўм сўрашяпти.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёрланди).

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

20 – 26 июль

• 20, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қимматбаҳо совға». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Замона зайли». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари». 19.50 «Устоз ва шогирд». Мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат ҳабарлари. 21.00 Хайриддин Султонов. «Чангак». Видеофильм. 22.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 22.25 «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм.

ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Миришкорлар». 21.00 Кичик концерт. 21.30 «Лаҳза». Хабарлар. 21.40 «Олягa аталган гуллар». Бадиий фильм. 23.05 Адан. «Жизель» балетидан саҳналар.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан, душанба 20 июль куни «Орбита-IV» кўрсатувлари соат 17.00 дан олиб кўрсатилади.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Мультфильм. 17.30 «Словян бозори» Халқаро мусиқий фестивали. Белоруссия куни. Витебскдан олиб кўрсатилади. 19.00 Ҳужжатли фильм. 19.15 «НЭП» 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Уй». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.00 «Рус балети юлдузлари». Беш серияли телевизион мусиқий фильм премьераси. 2-серия («Экран»). 22.05 «Спорт Уик Энди». 22.20 «Янги студия» таништиради. «Бомонд», «Жем-Сейшн». Публицистик фильм. Танаффус пайтида — 23.00 Янгиликлар. 00.20 Футбол шарҳи. 00.50 «Вертикал бўйича пойга». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

• 21, сешанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Асрлар оҳанги». Телефильм. 7.55 «Сени излаб». Бадиий фильм. 9.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 9.30 «Адолат». Ҳуқуқий видеоканал. 10.20 Болалар учун. «Табиат алифбоси». 10.50 «Олий таълим — янгиланиш йўлида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Бувимнинг туғилган куни». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 18.55 Спортлото. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Зиёлилар уюшмаси». «Истиқбол ва режалар». 20.05 Чолғу куйларидан концерт. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат ҳабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Телевизион новеллалар театри». Тавфиқ ал-Ҳаким». «Изҳор». 22.10 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм. 23.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад».

ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам». 19.30 «Соғломлаштириш масканларида». 20.20 Эсдалик учун дастхат. И. Корнелюк—Тошкент меҳмони. 21.00 «Бизнинг интервью». 21.20 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 22.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 9.05 «Рус балети юлдузлари». Беш серияли телевизион мусиқий фильм. 2-серия. 10.15 «Марафон-15». 11.00 Янгиликлар. 11.20 Халқ куйлари. 11.30 Футбол шарҳи. 12.00 Кўрсатувлар тартиби. 12.05 Адам Смит бойлиги дунёси. 12.35 «Ён дафтар». 12.40 «Ҳордиқ чиқаринг». 12.55 «Вертикал бўйича пойга». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 14.00 Янгиликлар. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Вертикал бўйича пойга». Бадиий фильм 2-серия. 15.30 «Словян бозори».

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Папируслар». Телефильм. 17.40 «Сиёсат» студияси намойиш этади. 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 «Уй». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 20.50 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 21.10 «Беш халқа». 21.35 «Стелла». Бадиий фильм. 22.40 «Ярим тундаги қуёш». Ҳужжатли фильм. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Вертикал бўйича пойга».

• 22, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Бойсунда қор эриганда». Телефильм. 7.55 «Зўр ўтирибмиз». Бадиий фильм. 9.10 Араб тили. 9.40 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.40 «Хотиралар».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Жасур бўлиш осонми?». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» оқшоми. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат хабарлари. 19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодирова куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас». 21.40 «Олтин бешик». Фарғона вилоятига бағишланади. Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига. 23.00 «Имконият». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

10.30 Болалар учун фильм. 11.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Безнен мирас». 11.50 «Асов дарё ўзанида». Бадиий фильм. 1-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...» Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.45 «Дўстларимиз даврасида». 20.15 «Ишбилармонлар». 21.05 «02» тўлқинида. 21.25 «Азизим, меҳрибоним онам». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 9.45 Мультфильм. 10.05 «Брейнринг». 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Сиз билан учрашганимдан хурсандман». 12.00 «Мелиховда байрам».

13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Вертикаль бўйича пойга». Уч серияли телевизион бадиий фильм 3-серия. 15.30 «Словян бозори». Халқаро мусиқий фестивали. Украина куни.

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади. «Репатриантлар». 18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.40 Панорама. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Уй». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.

20.50 «Қора қути». 21.30 «Чет элга — яширин». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Хусусий изқуварнинг саргузаштлари» сериясидан. 22.35 Юқори модалар санъати. 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Юрмала-92». Тунги мусиқий кўрсатув. 00.40 «Вертикаль бўйича пойга».

• 23, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Мен юртимнинг пок истаклари кучиман». Телефильм. 7.55 «Ноқулай одам». Бадиий фильм. 9.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари». 10.05 «Билимжон мунажжим». Телеспектакль. 10.55 «Халқ ижодиёти». Тўй маросимлари.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Бир том остида», «Бизнинг уй». Мультфильмлар. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тадбиркорлар ҳузурида». 19.35 «Ҳуқуқий давлат сари». 19.55 «Жума оқшоми». Диниймаърифий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий куйлайди. 22.05 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

10.30 «Рақслар жилоси». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Давлетмуродова. 11.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Пашшахўрда». 12.10 «Асов дарё ўзанида». Бадиий фильм. 2-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бизнинг муҳофазамизда». 19.20 «Меҳр-шафқатли бўлайлик». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 9.45 Кинопанорама. 10.50 Мультфильм. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Иккинчи учрашув» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм.

13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Қайтиш нуқтаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Одесса киностудияси). 15.30 «Хит-Топ-Шоу». 50х50. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 18.45 «Лючано Паваротти ҳақида воқеалар». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 «Уй». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия. 20.50 Лев Ошаниннинг ижодий кечаси. Шоирнинг 80 йиллигига. 22.35 Кечки альбом. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Максима». 00.10 «Юрмала-92». Тунги мусиқий кўрсатув. 01.10 «Қайтиш нуқтаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

• 24, жума

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Шуҳрат Йўлдошев ижро этади. Фильм-концерт. 8.00 «Илонлар водийсининг касофати». Бадиий фильм. 9.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 11.20 «Дунё кезган либослар».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Очик дераза». Мультфильмлар. «Кучукча ва етти ғозча». 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Замин саҳовати». 19.50 «Педагогика фанининг истиқболлари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Мумтоз куйлардан концерт. 21.45 «Ҳулкар». Телеойнома. 22.45 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Навбаҳор» (Наманган) — «Нефтчи» (Фарғона). Ёзиб олинган. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

10.30 «Баҳодир». Телефильм. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уч оға-ини ботирлар». 12.00 Хор куйларидан концерт. 12.30 «Хатарли парвоз». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Мексика). 9.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.45 «Лимпопо». 10.15 В. Норейка концерти.

11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.10 «Рақслар, рақслар, рақслар». Бал рақслари бўйича ёшлар ўртасидаги Россия чемпионати. 12.50 «Санъат оламида: ҳужжатли фильм». 13.10 Кўрсатувлар тартиби. 13.15 «Бридж». 13.40 «Бизнес-класс». 13.55 «Ён дафтар».

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Қайтиш нуқтаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.30 «Бугун ва ўша пайтларда». 16.00 «Чемпионлар билан бирга». 16.20 Болалар мусиқий клуби. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 Авиакосмик салон. 17.40 «Инсон ва қонун». 18.10 «Қора гўзалнинг саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 18.35 «ТВ-Нева: «Ким биз билан». 18.55 «Театр учрашувлари». «Уйланмаган воқеалар». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Ҳордиқ чиқаринг», «ЭМ-ТИ-ВИ». 22.00 «Словян бозори». Халқаро мусиқий фестивалининг ёпилиши. Танаффус пайтида — 23.00. Янгиликлар. 01.05 «Интерфест-92». 02.05 «Қайтиш нуқтаси».

• 25, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Экватор» кемасининг пассажири». Бадиий фильм. 9.25 «Оналар мактаби». 9.55 «Бунёдкор». 10.20 «Эртаклар—яхшиликка етаклар». 10.50 «Шоҳруҳ» шахмат мактаби. 11.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 12.00 Тижорат канали: «Сув — ҳаёт манбаи». 12.30 «Меҳр кўп кўргаздим». Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова. 13.50 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Заманда с» (қозоқ тилида). 14.50 «Ассалом, Барселона!» 15.20 «Севги нидоси».

18.00 «Ғаройиб саргузашт». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.40 «Санъат олами». Омон Азизов. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Сумалак» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.40 «Хинна». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1—2 сериялар. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ

5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Мультфильм. 7.40 Спорт ҳамма учун. 8.10 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм (Германия). 8.40 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 8.55 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 9.25 «Марказ». 10.05 «Бумеранг». 10.35 Мусиқий дўкон. 11.05 А. Гумилёв хотираси. 11.40 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув. 11.55 Инсон институти. 12.45 «Диққат: ўнинчи ёшлар». 13.05 «Жонли саҳифалар». 14.00 Янгиликлар. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Зазеркалье». Телевизион бадиий фильм. «Илдам қадамлар» («Укртелефильм»). 16.05 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Футбол. Италия—АҚШ терма командалари. Испаниядан кўрсатилади. 17.55 «Елизавета ва Эссекснинг шахсий ҳаёти». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Янгиликлар. 20.15 «КВН-92». «Олимпиада ўйинлари» чорак финал мавсуми. 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 22.40 Мультфильм. 22.55 XXV ёзги олимпиада ўйинларининг танланали очилиши. Испаниядан кўрсатилади. 02.00 Ҳужжатли фильм.

• 26, якшанба

ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

8.00 «Кўк қуш». Бадиий фильм. 9.40 «Футбол майдонларида». 10.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар». 11.20 «Кичкина деманг бизни». Спорт кўрсатуви. 11.50 Тижорат канали: «Пойариқ истиқболи». 12.20 «Хотира». Чори Ҳамро. 13.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 14.35 «Чорвадор». 15.05 «Қўшиқ айтгани келдим». Ёш хонандаларнинг телевизион танлови. 15.55 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 16.15 Ёркин Йўлдошев. «Зуҳал юлдузи». Ургут шаҳар халқ театрининг спектакли.

18.00 «Аждаҳо ва қуёш», «Тошбақалар». Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Оз оз ўрганиб доно бўлур». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Улоқ». Телефильм. 19.30 Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёз кунларининг бирида». 22.05 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
I КАНАЛ

5.20 «Руҳни чиниқтириш». 6.20 Кўрсатувлар тартиби. 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Кўрсатувлар тартиби. 7.35 «Спортлото» тиражи. 7.45 «Эрта саҳарлаб». 8.25 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 8.55 «Янги номлар». 9.45 «Камалак». Халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. 10.15 «ПИ» белгиси билан. 11.05 «Кўп овоз — дунё битта». Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Уч опа-сингил». (Франция). 11.10 «Янги авлод танлайди». 12.00 «Чайка». Телевизион бадиий фильм премьераси. 12.40 Халқ куйлари. 13.05 «Ёввойи табиат қўриқхонаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 13.35 «Марк ва Софи».

14.00 Янгиликлар. 14.15 Кўрсатувлар тартиби. 14.20 «Мулоқот». 15.00 «Саёҳатчилар клуби». 15.50 «Уолт Дисней таништиради...» 16.40 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.25 Ҳеч нарса ҳақида репортаж.

17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Маринскда Променад». Кўрсатувни В. Гергиев олиб боради. 19.00 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Сузиш, велоспорт, отиш. Испаниядан кўрсатилади. 20.00 «Хайр, Рафаэль». Телевизион бадиий фильм премьераси.

22.00 Якунлар.

22.45 Диний кўрсатув. 23.00 Янгиликлар. 23.15 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Бокс, отиш, сузиш. Испаниядан кўрсатилади. 00.15 «Юрмала-92». Тунги мусиқий кўрсатув. 01.30 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Оғир атлетика, спорт гимнастикаси, бокс. Испаниядан кўрсатилади. 03.30 «Оперетта айбланади...».

• *Комиссия иш бошлади*

ХАЛҚНИНГ МУЛКИ— ДАХЛСИЗДИР

Бойлиги ҳад-ҳудудсиз бўлган ўлкамизга, шу бойликларнинг эгаси — халқимизга аср-асрлар мобайнида ҳам ҳавас, ҳам хасад билан қараб келдилар. Қанчадан-қанча истилочилар зулмига дучор бўлган Туркистонга ўтган асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси қўшин тортиб келган, ўшанда бутун эл-юрт қақшаган, ҳаммаёқ вайрон бўлган эди. Боз устига босқинчилар халқимиз бутун тарихи мобайнида тўплаб, кўз қорачиғидек асраб келаётган осори атиқалар, нодир китоблар ва қўлёзмалар, минг йиллар билан юз кўришган ёдгорликлар, маънавиятимизнинг асл дурдоналарини ташмалаб кета бошладилар.

Ўзбекистон мустақилликнинг машаққатли йўлидан бораётган ҳозирги вақтда ўлкамиздан ташқарига ташиб кетилган бойликларимизни ўрганиш, рўйхатга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1992 йил 30 май куни Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзолангач, савобли тадбирларни амалга ошириш учун қулай имконият яратилишига умид пайдо бўлди.

Шу мақсадда республикамизда Россия Федерацияси ҳудудидаги музейлар, кўргазмалар, кутубхоналар, архивларда сақланаётган Ўзбекистон халқларининг маданий меросига тааллуқли обидаларни ўрганиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланувчи комиссия тузилди. Унинг таркибига Фанлар академияси институтларининг етакчи мутахассислари, Маданият ишлари вазирлигининг раҳбарлари, Бош архив бошқармасининг, ижодий уюшмаларнинг вакиллари киритилди.

Комиссия аъзолари миллий бойликларимиз қайси музейда сақланаётганидан қатъи назар, республикамизда ташкил этиладиган кўргазмаларда намойиш қилиш мумкинлигини, улар ўзбек халқининг мулки эканини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беришлари, бунда халқаро қонунлар ва таомилларга таянишлари зарур.

Комиссиянинг дастлабки йиғилишида унинг низоми кўриб чиқилди, амалга оширилажак иш режалари муҳокама қилинди.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Ягона ҳокимлик

Хива шаҳри аҳолиси шаҳарнинг 2500 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шаҳарнинг бошқариш тизимини такомиллаштириш эса бу борадаги ишларни янада жонлантиради. Шу боис вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон Республикасидаги Фарғона, Навоий, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг таклифлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Хива шаҳри ва Хива райони ҳокимлиги лавозимларини бирлаштириш тўғрисида фармойиш берди. Эркин Раҳмонов Хива шаҳри ва райони ҳокими қилиб тайинланди. Ушбу фармойишга қадар у Хива район ҳокими эди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетасининг

ЖАРЧИНОМАСИ

ДЕҲҚОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛАДИ

ПИШИҚЧИЛИК ДАМЛАРИ БОШЛАНДИ. МАЙИЗ, ТУРШАК, ҚОҚИ ТАЙЁРЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ,

МАРҲАМАТ!

«Агроэффект» илмий-техника жорий этиш маркази ташкилотлар ва шахсий кишиларга юқори самарали кўчма қуритиш мосламаларини етказиб беради.

Мева-сабзавот қуритиш камералари хом ашё миқдорига қараб икки хил: «УМ-1,0» бир тонна ҳамда «УМ-1,5» бир ярим тонна маҳсулотга мўлжалланган мосламалар.

ЗАРАР ҚИЛМАЙСИЗ.

Бир ярим ойдаёқ барча харажатларингиз қопланади.

Фурсатни бой берманг.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, М. Горький шоҳкўчаси, 32«а»-уй, 6-қават, «Ўзингаз» кичик корхонаси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 35-11-87, 35-71-01; 67-84-80; 67-29-19.

ДАРДДАН ФОРИҒ БЎЛАСИЗ

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАСИ

Қўқон шаҳар Муқимий номидаги боғ ихтиёридаги МДҲ экстрасенслар уюшмаси аъзоси, табиб ва сеҳрли бармоқлар соҳиби

ЁҚУБХЎЖАЕВ МЎЙДИНХЎЖА ТУРСУН ЎҒЛИ

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Илоҳий руҳлар мададида: бош мия, қулоқ, қўрқоқлик, юрак сиқилиши, тиш оғриғи, бош айланиши, юрак ваҳимаси, уйқусизлик, қон босими, ошқозон оғриғи, эр ва аёл ўртасидаги хасталик, фарзандсизлик, уйқу босиши, дудуқланиш, биқин санчиғи, кўнгил айниши, иситма, болаларда қайсарлик, яра-чақа, кўз оғриғи, бетоқатлик, болалар ҳушидан кетиши ва ҳар хил хасталиклар тез ва мусаффо даволанади.

Бундан ташқари руҳий хасталиклар, қайтарма, бахтини ва омад йўлини очиш, дам солиб даволаш юмушлари ҳам бажарилади.

Беморлар жума кунидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 7.00 дан 12.00 гача ва 14.00 дан 21.00 гача қабул қилинади.

Манзилгоҳ: Қўқон шаҳри, Ўзбекистон 40 йиллиги кўчаси, 8-уй, 34-хона. Телефон: 3-03-01.

«ЎРДА» БИРЛАШМАСИ

ТПП—100×2Х04—10000 М

ТПП—50×2Х04—4000 М

телефон кабелини
12 тонна, ГОСТ 2584-86
ТРАЛЛ сими (мис) ни

СОТАДИ

Баҳоси келишилган нархда, янги УАЗ-469, РАФ автомашиналарига алмаштириш мумкин.

Тошкентдаги телефон 72-80-73.

«Ўрда» бирлашмаси.

«Сорбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

Сиз Тошкент экспериментал ишлаб-чиқариш корхонасида тайёрланган, қўл билан ишлатиладиган БС-0,05 бетон қоргич ёрдамида уй қуришингиз ва хонадонингизни ремонт қилишингиз мумкин. Қуввати юқори ва самарали БС-0,55 бетонқоргич 40 мм.гача ҳажмдаги бетон аралашмасини тайёрлашга мўлжалланган.

БС-0,05 бетонқоргичнинг асосий афзаллиги — унинг ҳар қандай шароитда ҳам бемалол ишлашидир. Бетон қоргичнинг баҳоси 5850 сўм.

Бизнинг манзилгоҳ: 700069, Тошкент ш. Ғалаба кўчаси, 1.

Тошкент эксперименталь ишлаб-чиқариш корхонаси, САНИИРИ ИИЧБ.

Телефонлар: 48-15-01, 48-15-03, 48-10-01.

калибр

Ишлаб чиқариш корхонаси
Венгрия технологияси бўйича тайёрланган ускуналарни

СОТАДИ

Енгил автомобилларни таъмирлаш учун 1,6 тонна юк кўтариш қувватига эга бўлган икки тиргакли кўтаргичлар.

Енгил автомобиллар учун ювиш қуритиш комплекслари.

Бир дона кўтаргичнинг нархи 32 минг сўм, битта ювиш қуритиш комплекти 190 минг сўм.

Булар биржа баҳоларидан 40 фоиз арзон.

Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент шаҳри, 19 Февраль кўчаси, 29 уй. Телефон 93-19-42.

ПУЛ ТОПИБ, БОЙИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? УРИНИНГ, ТАВАККАЛ ҚИЛИНГ!

"ЦЕНТРОПОЛ" кичик корхонаси сиз айтган баҳода (ҳар биттаси камида 5 минг сўм) заҳарли илонлар сотиб олади.

ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Манзилимиз: 330035, Украина, Запорожье шаҳри, Котельний тор кўчаси, 2-уй.

Телефонлар: (8-06-12) 34-53-11 (Маҳаллий вақт билан соат 11дан 19гача).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Узплодоовощчвинпром» раҳбарияти, концерн жамоаси «Тошкентвино» комбинати директори **Саъдулла ВОҲИДОВнинг**, рафиқаси **Розия ҚОСИМОВА** ҳамда икки қизи **ЗИЛОЛА ВА КАМОЛАнинг** фожиали ҳалок бўлганликлари муносабати билан марҳумларнинг қариндош-уруглари ва яқин кишиларига чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Халқ демократия партияси Тошкент вилоят кенгаши ишлар бошқарувчиси В. Раҳимовга акаси **Усмонали ЭРАЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Университетининг ректорати, ижтимоий ташкилотлари, тарих факультетининг жамоаси шу факультетнинг кафедра мудири, профессор С. С. Солиевга муҳтарама волидалари **Азизби АБДУРАҲМОН қизининг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Бош ҳисоблаш маркази жамоаси С. Акмирзаевга ўғли **Баҳодир САЙФУЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ГУРУНГ

ЎҚИНГ, ҲУЗУР, ҚИЛИНГ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

«ҲАЖ ДАФТАРИ»ДАН

МЕҲРУ САХОВАТГА ЧОРЛАЙДИ...

АЛЛОҲ ДАРГОҲИДА

Неча минг мусулмон туну кун бедор,
Қаъба атрофини тинмай айланар.
Барчасин муроди илоҳий дийдор,
Саждага ҳар бири ҳар зум шайланар.
Олам уммон бўлса — гирдоби шу жой,
Олам осмон бўлса — меҳвари бунда.
Милярд мартабали жаҳон ҳойнаҳой
Кемадек қалқади битта тўлқинда.
Ер узра тариқдай сочилган инсон
Бир қушнинг олдига келиб тизилмиш.
Абасдир бу жойда миллат, ирқ, лисон,
Замин йўриқлари бунда бузилмиш.
Бу жойнинг бор эрур на Қорабоғи,
На Ўзган, на Ўшу Фарғонаси бор.
Аллоҳнинг ўзидир ёлғиз чароғи,
Чароғнинг ҳисобсиз парвонаси бор.
Ҳатто нафрат мушти бунда тугилгай,
Ахир ягонадир бу ерда мақсад.
Сиғинсанг — гуноҳинг дув-дув тўкилгай,
Иймонсиз бандага йўқ лекин шафқат.
Шунчалик мукаммал Аллоҳ даргоҳи,
Мағфират қил, дея дилни тиғладим.
Ҳар ёндан таралар мўминлар оҳи,
То тонгга қадарли юм-юм йиғладим.

ҲАСРАТ

Қочган ҳам, қувган ҳам Аллоҳим дейди,
Қочган ҳам, қувган ҳам эмасман, дўстим.
Менинг изтиробим шул Инсон эди,
Инсондан ўзгани демасман, дўстим.
Инсон-чи, то ҳануз ёвуз ва ғаддор,
Бир-бирин тинимсиз тортади чоҳга.
Бундайин қисматга кўникмоқ душвор,
Нетай, ҳасратимни дейман Аллоҳга.

ТЕНГЛИК

Бошини ҳар қанча тебратган билан
Оқил бўлиб қолмас учраган жонзот.
Йўқса, ҳинд морбози ўйнатган илон
Жамъи донолари айлар эди мот.
Менга тариқатни ўргатманг, қори,
Менинг ҳам жисмимга жон берган Уша,
Менга ҳам дунёда Сизнинг қатори
Ризқ-рўз берган Уша, шон берган Уша.

Аллоҳим бир сизнинг мулкингиз эмас,
Эмукдош эмасдир Сизга пайғамбар.
Самоват номидан сўзламангиз, бас,
Сизу биз бир қушдан тўзғиб тушган пар.
Ёнма-ён битикмиз тақдир тошида,
Биримиз ёқа-ю, биримиз енгмиз.
Расулуллоҳ демиш: — Ҳақнинг қошида
Тароқ тишларидек барчамиз тенгмиз.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Умрнинг ярмини ўтдик амаллаб,
Қолган ярмига ҳам подшодир худо.
Фақат айрилиқдан асрагин, ё раб,
Дўсту ёронлардан қилмагин жудо.
Ғанимлар макрини ўйласанг агар,
Дунёдан яшамай кетган яхшироқ.
Баъзан дил уйингни айлар мунаввар
Етти ёт бегона ёққан бир чироқ.
Муҳтож бўлганингда силайди бошинг
Ўзи муҳтож бўлган танти мардумлар.
Улим тилаганда тирик сафдошинг
Ҳаётга қайтарар сени марҳумлар.

ТИЛАНЧИ БОЛА

Каъбанинг муқаддас номозгоҳида
Минг-минглаб мўминлар юкинмоққа шай.
Сафлар орасида гоҳи-гоҳида
Кўриниб қоларди битта болакай.
Кимдир узатарди садақа—риёл,
Бироқ эҳсонга у қилмасди ружу.
Қоп-қора кўзида чексиз мунг, хаёл,
Лабларида эса ҳазин, ним кулгу.
Жим боқар, ишлари гўё сариштa,
Фақат нигоҳида ўтинч порларди.
Менинг назаримда, у бир фариштa,
Меҳру саховатга унсиз чорларди.

ҲАЖ САВОБИ

(Ҳазил)

Мухбир:
Ҳаж қилдингиз бориб Макка тарафларга,
Кўмилдингиз ногаҳоний шарафларга,
Бундайин бахт тушингизга кирганмиди?
Ҳожи бобо, нима дейсиз бу гапларга?
Ҳожи бобо:
Иншоаллоҳ, ҳурлик келди гулдир-гулдир,
Қолаверса, ҳар бир ишнинг боши пулдир.
Ҳовли-жойни саксон мингга сотиб кетдим —
Мухбир болам, саволингга жавоб шулдир.
Мухбир:
Халқ айтади: — Чучварада гўштдир маъни,
Сиз кўрдингиз Макка билан Мадинани.
Каъбатуллоҳ дарвозаси қандоқ экан?
Ҳожи бобо, ўшалардан сўзланг, қани.
Ҳожи бобо:
Каъбатуллоҳ жамолига йўқдир тараф,
Аммо-лекин бозори ҳам мақтов талаб.
Харидорлар дурбин борми, деб сўрашар,
Мухбир болам, ҳайрон бўлдим шунга қараб.
Мухбир:
У ёқларда хаёлга ҳеч ботдингизми,
Арофатнинг машаққатин тотдингизми.
Мино деган тоққа чиқиб, ғайрат қилиб,
Ҳожи бобо, Шайтонга тош отдингизми?
Ҳожи бобо:
Энди билдим, Шайтон асли қайдан экан,
Бир томон тоғ, бир томони майдон экан.
Бозорчиси соддагина араб десам,
Мухбир болам, Ўзбекдан ҳам шайтон экан.
Мухбир:
Сўрайверсам саволларим ҳали талай,
Майда-чуйда, икир-чикир, алай-балай.
Мадинада пайғамбарнинг даҳмаси бор,
Ҳожи бобо, кўрдингизми уни, қалай?
Ҳожи бобо:
Мадина ҳам шаҳар экан олийҳиммат,
Аёллари юришибди юзда чиммат.
Атлас олиб борган эдим, арзон кетди,
Мухбир болам, у жойларда асал қиммат.
Мухбир:
Саволимни қулоққа ҳеч илдингизми,
Қайга бориб келганингиз билдингизми?
Мен савобдан гапираман, сиз савдодан,
Ҳожи бобо, аслида Ҳаж қилдингизми?
Ҳожи бобо:
Тайёранинг патталари қўлимдадир,
Гувоҳларим мана ўнгу сўлимдадир.
Бундай макруҳ саволларни ким ўргатди,
Мухбир болам, Ҳаж савоби дилимдадир.

ҲОЖИ УКАЛАРИМ АНВАР ВА ХУРШИДГА

Дўст бўлурми бунчалар ҳамдам, иноқ,
Бир пиликдан куч олар икки чироқ.
Оҳ, аҳиллик бор экан ўзбекда ҳам,
Улғайинг турли ёмон кўздан йироқ

• ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

САМАРҚАНД

АЁЛЛАР МУКОФОТИ

● ВИЛОЯТ ҳокимияти Нодирабегим тавллудининг 200 йиллиги муносабати билан энг оқила аёллар учун махсус мукофот таъсис этди.

Жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топган, ҳурматли, эътиборли қайнона, шоира, адибалар ва жамоат арбоблари, ишчи-хизматчилар ва талабалар ана шундай рағбатга мушарраф бўладилар. Ғолиблар эса кенг жамоатчилик асосида аниқланади.

— Ҳар бири 10 минг сўмдан бўлган 6 та мукофотнинг ҳомийси вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Бибихоним» кичик корхонасидир, — дейди шу қўмита раиси шоира Бибисора Туробова. — Келаси йилдан бошлаб бу хайрли тадбир республика мустақиллиги байрамига бағишланиб, мукофотлар анъанавий равишда вилоятимизнинг энг оқила аёлларига тақдим этилаётган бўлди.

МУСАВВИР ДУНЁСИ

● САМАРҚАНД давлат музейида сурнялик мусаввир абстракт-каллеграфия, яъни мавҳум тасвир оқими вакили Муҳаммад Ғанум асарларининг савдо кўргазмаси бўлди.

М. Ғанумнинг асарлари Франция, Италия, Олмония, Ироқ, Ливан каби 20 га яқин мамлакатлардаги мухлисларнинг шахсий йиғмаларидан ўрин олган. Мусаввирнинг «Менинг оилам», «Фаластин», «Ёдгорлик», «Шом», «Ишонч», «Муҳаббат», «Қуръони Карим» ва «Замон» каби асарларини самарқандликлар юксак баҳоладилар ва харид қилдилар. Шуни таъкидлаш керакки, бундай ўзига хос ижод фақат сўзни ифодалаш воситасигина бўлиб қолмасдан, санъат даражасига ҳам етмоқда.

МАҲАЛЛАНГИЗ ОРАСТАМИ?

● БОҒИШАМОЛ районн ҳокимияти мавжуд 37 маҳалла ва даҳалар ўртасида ободончилик, кўкаламзорлаштириш, тозаликка риоя қилиш аҳволини яхшилаш юзасидан танлов эълон қилди.

Бундан мақсад ана шу эзгу ишларга аҳолини кўпроқ жалб этишдан иборатдир. Танлов ҳайъати амалга оширилаётган ишларни ҳар ўн кунда кўриб боради ва куз фаслининг сўнгида якунлайди. Ғолибларга район ҳокимияти ҳисобидан биринчи ўринга 15 минг сўм, иккинчи ўринга 8 минг, учинчи ўринга эса 5 минг сўм пул мукофоти берилади.

Ф. ТОШЕВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ АЖИБ ДУНЁ

● ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ХУДО БЕРАМАН ДЕСА

● ТУРМУШДА олтин билан боғлиқ шундай ғаройиб воқеалар ҳам юз берадики, баъзан таажжубда қоласан, киши.

Чунончи, Қозоғистонда оёқ остидан тез-тез олтин чиқиб, баъзиларни шошилтириб қўйди. Масалан, Дзержинский шаҳрида истиқомат қилувчи нафақахўр бундан бир неча йил муқаддам оғир металл буюм топиб олган эди. Уни сарой деворига суянчиқ тиргов қилиб ишлатган. Нафақахўрнинг биттаю-битта қизи яқинда бу матоҳга битилган митти ҳарфлар билан қизиқиб қолди. Бу «ғўлага» 30 килограмм олтин қуймаси экан. Топилма давлатга топширилди. Қизи билан яшаётган нафақахўрга эса 8 миллион сўм пул улуши ажратиладиган бўлди.

Қизил Ўрда шаҳрида ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берди. Полизчи уй олдидаги экин майдонида жўяк олаётган эди. Тупроқнинг тагидан металл бўлакчаси чиқди. Бу бир пуд (16 килограмм) оғирликдаги олтин қуймаси экан. Қонун бўйича топилманинг чорак қисми полизчига берилиши лозим. Ўрта ҳол оила етти ярим миллион сўм даромад кўрадиган бўлди. Олтин эса республика хазинасига қўшилди.

● АНА ХОЛОС

ШИФОБАХШ АРАҚ

● СОЧИ ликер-арақ заводида «Россия тожи» деб номланган янги арақнинг дастлабки туркуми ишлаб чиқилди.

Бу ичимлик озиқ-овқат дўконларида эмас, балки шифокорлар дори қоғози бўйича дорихоналарда сотишга мўлжалланган. У оддий арақ бўлмай, балки шифобахшдир. «Кавказ» халқаро саломатлик маркази мутахассислари ишлаб чиқишган ва синовдан ўтказишган. Арақ магнит майдонидан ўтказилгандан кейин ана шундай шифобахш хусусиятга эга бўлар экан. Белгиланган дастур бўйича ишлов амалга оширилгач, у зумраддек тиниқ бўлиб, инсон танасидаги зарарли радиоактив моддалар, тошлар, қумлар, ўтириб қолган ортиқча зарарли хилтларни суриб чиқаради. Бу ичимликни меъёрида миқдорлаб ичиш натижасида ўсма хасталикларининг ривожланиши кескин камайган. юрак фаолияти яхшиланган.

Мутахассислар тавсиясига кўра бу ичимликни аниқ миқдорда ичиш шифобахшдир.

● ЎТМИШ САДОСИ

КЎҲИНУР МЕРОСИ

● АБУ-ДАБИ. Дубай фуқароси Шахзода Тайфур Жон Буюк Британия ҳоқонлигининг қироллари тожини узоқ йиллардан буён безаб келаётган бебаҳо ёқут — Кўҳинур ёқутининг ҳақиқий меросхўри эканлигини эълон қилди.

Шахзода Тайфур Жон аслида туғилганлик гувоҳномаси бўйича Покистон фуқаросидир. У 19 йилдан буён Бирлашган Араб Амирлигида яшаб келмоқда. Бу киши «Галф Ньюс» рўзномасига берган баёнотида, у эрон подшоси Нодиршоҳнинг қўмондонларидан бири — Дуррани Аҳмадшоҳ афғон сулоласининг асосчиси — яъни ёқут эгаси ўғилларининг энг кенжа фарзанди эканлигини эълон қилди. Нодиршоҳ 1739 йилда Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳли шаҳрини босиб олган пайтида ана шу энг қимматбаҳо ёқутни ўлжа сифатида қўлга киритган. Эрон ҳукмдори вафот этганидан кейин: бу ёқут Аҳмадшоҳнинг қўлига ўтган.

Инглизлар ҳарбий тўқнашувлар оқибатида Англияга олиб кетишаётганида бу ёқут 191 каратдан иборат эди. Қиролича Елизавета мамлакат тахтига ўтираётган пайтида унинг тожига ана шу ёқут қадалган эди. Уни жилолаш натижасида ёқут 108,93 каратга тушиб қолди.

Шахзода Тайфур Жон ёқутни унинг қўлига қайтариб беришлари учун даъвогарлик қилаётгани йўқ. «Ҳозир мен бу ёқут авлод-аждодларимнинг бойлиги сифатида менга қонуний равишда меросий мулк эканлигини ҳаммага айтиб қўймоқчиман», деди у газета мухбирига.

• *Шунисига ҳам шукур*

ДОРИ ЎРНИГА МУСИҚА

● БОЗОР иқтисодиёти шифохоналар, даволаш-профилактика муассасаларининг дори-дармонлар таъминотига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Нархи ошганлиги устига дори-дармон тақчиллиги юзага келди.

Хоразм юрак-қон томир касалликлари диспансери шифокорлари бундай шароитда даволашнинг янгича қулай ва кўнгилли усулини ўйлаб топишди. Бу ерда беморларга гоҳ-гоҳ дори ўрнига дилрабо куй-қўшиқлар таклиф қилиниб, юрак хасталикларига ўзига хос «малҳам» қўйилмоқда.

Диспансер беморлари ҳузурида биринчи бўлиб Комилжон Отаниёзов номидаги Хоразм вилояти филармониясининг хушовоз хонандаси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов раҳбарлигидаги бир гуруҳ санъаткорлар бой ва рангбаранг дастурда концерт намойиш қилишди. Дилрабо куй ва қўшиқлар, оромбахш рақслар беморларга ҳузур-ҳаловат бағишлади.

Хоразмнинг иқтидорли лирик хонандаси Абдулла Тиллаев хонишлари ҳам танқис доридек хосиятли бўлди. Бундай мусиқавий малҳамлардан кейин беморлар кайфияти яхшиланиб, ўзларини анча бардам сезмоқдалар.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



● РЕСПУБЛИКАМИЗ ШАҲАРЛАРИ. Когон гўшаларидан бири.

Суратказ А. РАҲИМБОЕВ.

СПОРТ

СОВРИНЛИ ЎРИН

● КЎП БОСҚИЧЛИ халқаро мусобақада республикамиз енгил атлетикачилари мукофотли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

«Гран-при Мобиль» соврини учун Лондонда ўтказилган мусобақада тошкентлик найза улоқтирувчи Виктор Зайцев маҳорат кўрсатиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаган эди. Ницца шаҳрида ўтказилган мусобақалар ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, лангар билан сакровчилар баҳси муросасиз бўлди. Тошкентда маҳорат ошириб, халқаро миқёсда обрў топган Радион Гатаулин ўзини кўрсатишга уринди. У 5 метр 80 сантиметрли маррани эгаллаб, совринли учинчи ўринни олди.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

● ФУТБОЛ бўйича Овруپо кубоклари учун 1992—93 йилларда ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этувчи жамоалар ўртасида қуръа ташланди.

Чемпионлар соврини учун мусобақанинг саралаш қисмида Ирландиянинг «Шелборн» жамоаси билан Симфрополнинг «Таврия» футболчилари учрашадиган бўлишди. 1/16 финал учрашувларида «Викингур» (Рейкьявик)—ЦСКА, «Эйндховен» (Полландия) — «Жальгирис» жамоалари ўзаро куч синашадилар. Кубок эгалари кубоги баҳсларида «Вадуц» (Лихтенштейн) — «Черноморец», «Болтфеладжио» (Фарер ороллари) — «Авенир» (Люксембург) жамоалари ғолиби билан Москва спартакчилари учрашадилар. УЕФА кубоги учун: «Манчестер юнайтед» (Англия) — «Торпедо» (Москва), «Динамо» (Москва) — «Русенборг» (Норвегия), «Динамо» (Киев) — «Рапид» (Австрия. Дастлабки учрашувлар 19 август ва 2 сентябрь кунлари бўлади.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. РАҲМОНОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаётн ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27: безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
Буюртма № Г—217.
№ 141.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.